

22/2002 903 4102

## ШАРТНОМА №1

Хива тумани

2022йил « 07 » Январь

“Узтрансгаз” АЖ “Урганчтрансгаз” УКга қарашли “Газэнергиктаъмир” ишлаб чиқариш техник корхонаси (кейинги ўринларда «Бажарувчи» деб юритилади) номидан “Урганчтрансгаз” УК томонидан 2022 йил 05 январ кунги № 37-14/34-сонли ишончномага амал қилувчи бошлиқ А.Х. Бобожановбир тарафдан ва “Узтрансгаз” АЖ Хўжаобод ГЕОСИ (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) номидан фаолият кўрсатувчи раҳбари Х.К.Бакижанов иккинчи тарафдан ушбу шартномани куйидагилар ҳақида туздилар.

### I.ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1.«Бажарувчи»«Буюртмачи»нинг буюртмасига биноан пластик профилдан ойна ва алюмин профилдан эшиклар (кейинги ўринларда «Маҳсулот» деб юритилади) тайёрлаб бериш мажбуриятини олади. «Буюртмачи» эса ушбу маҳсулотлар учун белгиланган ёки келишилган нархлар бўйича ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

### II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1 «Буюртмачи»нинг ҳуқуқлари:

а) Маҳсулот тайёр бўлганидан сўнг ушбу шартномада кўзда тутилган муддатдан кечиктирилмай топширилишини «Бажарувчи»дан талаб қилиш.

2.2 «Буюртмачи»нинг мажбуриятлари:

а) Маҳсулот учун ушбу шартномага мувофиқ «Бажарувчи» билан тўловни (ҳисоб-китобларни) амалга ошириш;

б) Маҳсулот қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва конун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда маҳсулот миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олиш;

в) сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулот келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу маҳсулотнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 8 соат ичида бу ҳақда «Бажарувчи»ни хабардор қилиш;

г) ўз буюртманомаси бўйича бажарилган ишларни, мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш.

2.3 «Бажарувчи»нинг ҳуқуқлари:

а) Маҳсулотни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда «Буюртмачи»га ўз вақтида топшириш;

б) сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулот юборилганлиги ҳақида хабарномани олган кундан бошлаб \_\_\_\_\_ кун ичида сифати лозим даражада бўлмаган маҳсулотни сифатлисига алмаштириб бериш.

в) Маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўланишини «Буюртмачи»дан талаб қилиш.

2.4 «Бажарувчи»нинг мажбуриятлари:

а) конун ҳужжатларига мувофиқ ушбу шартнома мажбуриятларининг ўз муддатида бажарилишини таъминлаш;

б) шартномага мувофиқ берилган буюртманомада кўрсатилган муддатларда, сифатли ишларни бажариш.

### **III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ, ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

3.1. Шартноманинг умумий баҳоси, тахминий 13 778 700,04 (ўн уч миллион етти юз етмиш саккиз минг етти юз тўрт тийн) сўмни ташкил этади.

3.2. «Буюртмачи» «Бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига шартномада кўрсатилган хизмат тури миқдори суммасининг 15 фоизи олдиндан қолган 85 фоизи хизмат тури бажарилгандан кейин 10 (ўн) кун ичида пул маблағини «Бажарувчи»нинг ҳисоб рақамига пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлайди.

3.3. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар, шартномага илова қилинган «ҳисоб-фактурага» асосан амалга оширилади;

3.4. Тўлов тури-тўлов топшириқномаси «Узтрансгаз» акциядорлик жамиятига қарашли ташкилотлар авизо билан ҳисоб китоб қилинади.

### **IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИКИ**

4.1. Маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўламагани учун «Буюртмачи» «Бажарувчи»га ўтказиб кечиктирилган ҳар бир кун учун тўланмаган сумманинг 0,4 фоизи миқдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

4.2. Маҳсулот расмийлаштириш ва тегишли ҳужжатларни «Буюртмачи»га тақдим этиш муддати кечиктирилган тақдирда «Бажарувчи» «Буюртмачи»га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

4.3 Шартномада кўрсатилган муддатда тайёр маҳсулотни олишни асоссиз равишда рад этганлик учун «Буюртмачи» «Бажарувчи»га ўз муддатида олмаган тайёр маҳсулот қийматининг 5 фоизи миқдорида жарима тўлайди.

4.4. Пеня ва жарималарни тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

### **V. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ**

5.1. Ушбу шартнома бўйича келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, тарафлар, коюдага кўра, уларни судгача ҳал этиш юзасидан келишилган чоратadbирлар кўрадилар.

5.2. Тарафлар ўртасида келиб чиққан низолар ўзаро ҳал қилинмаган тақдирда конунчиликда ўрнатилган тартибда суд тартибида ҳал қилинади.

### **VI. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ**

6.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмайдиган куч фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (зилзила, қурғокчилик, сув тошқини, ёнғин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий офатлар) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар бўлмайди.

6.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришга тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларининг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт.

## VIII. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

7.1. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва тарафларнинг бунга зарур даражада ваколатли вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

7.2. Шартнома тарафлар имзоланган пайтдан бошлаб кучга кириди ва тарафлар ўз мажбуриятларини бажаргунга қадар амал қилади.

7.3. Ушбу шартномада кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунлари билан тартибга солинади.

7.4. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилган бўлиб, тарафларнинг ҳар бирида биттадан сақланади.

7.5. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил " 07 " Январдан 2022 йил " 31 " Декабргача белгиланади.

## VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

### “Урганчтрансгаз”УК

Бажарувчи: “Газэнергиктаъмир” ИЧТК

Юридик манзил Заунгур кўрғони

Хоразм вилояти Хива тумани

Телефон/факс +99895-602-80-66

х/р N 20210000000527338005

«Микрокредитбанк» Хоразм

вилояти Хива филиали МФО 00578

ИНН 200407848

### Бюроғтамачи:

Ўзтрансгаз АЖ, Хужабод Троси  
Авдотжон вил. Хужабод тум. Кидирчи кў  
х/р 20210000400117836123  
АТБ, Солиқтўришлик банк, Аудитсон  
МФО: 00075 СЧП: 200626188

## 8. Тамонларнинг мухри ва имзоси:



Бажарувчи:

А.Х. Бобажанов

Юридик консулт

Рузметов Х.С.



“ЎЗТРАНСГАЗ” АЖ ХУЖАБОД ГАЗНИ ЁР ОСТИДА САКЛАШ  
ИНШОТИ ЮРИСТ - МАСЛАХАТЧИСИНИНГ  
**ХУЛОСАСИ**  
УШБУ ШАРТНОМА ЛОЙИХАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ФУҚАРОЛИК КОДЕКСИ, ВА  
“ХУЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ ШАРТНОМАВИЙ-ҲУҚУҚИЙ БАЗАСИ  
ТЎҒРИСИДА” ГИ ҚОНУНИ ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА ТУЗИЛГАН.  
ШАРТНОМАДА ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИК МЕЪЁРЛАРИ ВА НИЗОЛАРИ ХАЛ ЭТИШ  
ТАРТИБИ ҚОНУН ҲУЖАТЛАРИ ТАЛАБЛАРИГА МОС КЕЛАДИ.  
ЮРИСТ-МАСЛАХАТЧИ: 08.01.2022 [Signature]